

# Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

## ЁШЛАРДА ТАБИАТГА ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МЕЗОНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Алимова Шоҳиста Муҳаммадовна*

Ўзбекистон Республикаси, наманган вилояти, Чуст тумани, 26- умумий ўрта таълим  
мактаби география ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада ёшлар тарбиясида эгология ва атроф муҳитга нисбатан дўстона  
муносабатда бўлиши маданиятини шакллантиришга эътибор берии масалалари ёритилган.

**Калим сўзлар:** Табиат, миллий, ҳудуд, экология, глобал.

Бугунги кунда “Табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришда ахлоқий нормалардан фойдаланиш имкониятларини: маҳаллий, миллий, ҳудудий ва глобал даражаларда ўрганиш, уларнинг умуминсоний универсал мезонлари шаклланиши қонуниятларини аниқлаш муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга. Чунки, экологик муаммоларнинг глобаллашиб кетиши билан миллий экологик ахлоқий қадриятларга умуминсоният манфаатлари нуқтаи назаридан ёндошилиб, аҳамияти баҳоланади. Бунда миллий экологик ахлоқий меъёрларининг универсаллашуви, бир томондан, “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларини бошқариш тартибини ва уларнинг функционал уйғунлашувини таъминлайди. Иккинчи томондан эса, бу тизимни бошқаришнинг миллий мањнавий-ахлоқий усуллари ва воситалари ривожланиши глобал экологик барқарор тараққиётини ва унинг истиқболларини белгилайди.

Экологик муаммоларнинг глобаллашуви жараёнида “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларини бошқаришнинг миллий ва умуминсоний мањнавий-ахлоқий усуллари, воситаларининг интегратив хусусиятлари баҳолашнинг универсал мезонлари шаклланишига олиб келади. Яъни, миллий ва умуминсоний экологик ахлоқий нормалар интеграцияси натижасида “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларини баҳолаш мезонлари универсаллашмоқда.

Албатта, жамиятнинг барқарор экологик тараққиёти даражаларини баҳолашда миллий ва умуминсоний ахлоқий нормалар интеграцияси экологик вазиятнинг глобал миқёсда кескинлашувига муносабатнинг тақозоси бўлиб, умуминсоният экологик манфаатлари уйғунлигини ифодалайди. Чунки, **биринчидан**, “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларнинг доимий равишда ривожланиб, мураккаблашиб бориши билан миллий экологик ахлоқий норма ва тамойилларга умуминсониятнинг талаби ҳам ошиб боради.

**Иккинчидан**, “табиат-жамият-инсон” тизимида “инсон ва табиат”, “инсон ва инсон”, “жамият ва табиат” муносабатларини бошқаришда универсал ахлоқий нормаларнинг таркиб топиши, ушбу тизим тараққиёти даражасини белгиловчи омил ҳисобланади.

**Учинчидан**, муайян экологик маконнинг тақозоси билан шаклланган ҳар қандай миллий экологик ахлоқий нормалар умуминсоний қадриятларнинг конкрет тарзда намоён бўлишидир.

**Тўртнчидан**, “табиат-жамият-инсон” тизими глобал тараққиётини белгиловчи универсал экологик ахлоқий мезонлар миллий қадриятларни истисно қилмайди, аксинча унинг ривожланишини рағбатлантиради.

# Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

**Бешинчидан**, “табиат-жамият-инсон” муносабатларини баҳолашнинг экологик ахлоқий мезонлари универсаллашуви ва глобаллашувини тарихий тараққиётнинг объектив қонунияти тарзида эътироф этиш керак. “Табиат-жамият-инсон” муносабатларини баҳолашнинг универсал маънавий-ахлоқий мезонлари, энг аввало, унинг субъектлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга қаратилгандир. Зоро, субъектлар (жамият ва инсон)нинг маънавий-ахлоқий ривожланиш даражаси, уларнинг табиатга муносабати натижаларини белгилаб беради. Яъни, жамият ва инсоннинг табиатга нисбатан маънавий-ахлоқий муносабатини баҳолашда универсал тамойиллар шаклланиши билан шахсда экологик масъулият, бурч, мажбурият хусусиятлари намоён бўлади. Энг муҳими, “табиат-жамият” муносабатларини маънавий-ахлоқий баҳолаш мезонларини белгилашда, инсоннинг табиий ресурсларга эҳтиёжи билан табиатнинг ўзини ўзи тиклаш имкониятлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш асосий талаб бўлиши керак. Чунки, ҳар қандай инсоннинг ўз ижтимоий фаолияти ва унинг экологик оқибатлари учун шахсий масъулияти, жавобгарлиги “табиат-жамият” муносабатлари (цивилизациялашган, маданий ёки ёввойи, ғайри илмий) характеристини, ривожланиш даражасини белгилайдиган умуминсоний маънавий-ахлоқий мезонга айланмоқда. Шу нуқтаи назардан “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларини баҳолашнинг маънавий-ахлоқий мезонларидаги ўзгаришлар экологик вазият ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, унинг характеристини белгилайдиган янги умуминсоний универсал ахлоқий мезонларини аниклашни тақозо қилмоқда. Чунки, экологик муаммолар глобаллашуви ва кескинлашуви билан “табиат-жамият-инсон” муносабатлари ривожланиш даражасини ва характеристини баҳолашнинг конкрет миллий ахлоқий мезонлар ҳам универсаллашиб, умуминсоний мазмун касб этиб бораверади. Бошқача қилиб айтганда, экологик маънавий-ахлоқий мезонлар глобаллашуви ва умуминсоний характер касб этиши, уларнинг миллий хусусиятларини истисно қилмайди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, умуман жамиятнинг ҳар қандай йўналишда ривожланиш даражаларини белгилайдиган мезонлари, хусусан ахлоқий мезонлар ҳам (миллий ёки умуминсонийлигидан қатъий назар) экологик макон хусусиятларига мос равишда ўзгариб туради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Burkhonov, I. (2021, June). THE IMPORTANCE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ASOMIDDIN URINBOYEV IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE KOKAND KHANAT. In *Конференции*.
2. Burkhonov, I. M. (2020). “ZAKAT” HAS ENSURED FAIRNESS AND BALANCE IN SOCIETY. *Theoretical & Applied Science*, (5), 201-204.
3. Muhiddinovich, B. I. (2020). Negative impact of the tax system on political life-on the example of the history of the Kokand Khanate (1850–1865). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 790-795.
4. Burkhonov, I. (2021, August). THE IMPORTANCE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ASOMIDDIN URINBOYEV IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE KOKAND KHANAT: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1242>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).
5. Бурхонов, И. М. (2019). ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ СИЁСИЙ ХАЁТГА САЛЬБИЙ ТАЪСИРИ (1850-1865). *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (19).
6. Burkhonov I.M.(2021) FROM THE HISTORY OF THE TRANSLATION OF THE WORK OF ABURAZZAK SAMARKAND «MATLA'I SA'DAYN AND MAJMA'I BAHRAIN» "Экономика и социум" №11(90)2021,138-144



# Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

7. Бурхонов, И. М. (2020). «ЗАКОТ»-ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА АДОЛАТ ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, 3(5).
8. ХАТАМОВА ЗУМРАДХОН НАЗИРЖОНОВНА, (2020) ОСОБЕННОСТИ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА, 5 (295) МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ, 254-256.
9. Nazirjonovna, H. Z., & Abdumannovich, N. M. (2020). Tax system on the territory of kyrgyzstan during the Kokand Khanate. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(6), 209-212.
10. Xatamova, Z. (2020). Expenditure of state funds replenished by taxes in the history of the kokand khanate. *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*, 5(3), 274-277.
11. Хатамова, З. (2021, August). EXPENDITURE OF INCOME FROM TAXES AND LEVIES IN THE KOKAND KHANATE: <https://doi.org/10.47100/conferences>. v1i1. 1230. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05)..
12. Хатамова, З. Н. (2020). ҚҮҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТҮЛДИРИЛГАН ХАЗИННИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (SI-1 № 4).
13. Xatamova Zumradxon Nazirjonovna. *INFORMATION ON THE PROVISION OF THE FUND IN THE KOKAND KHAN. Look to the past. 2020, SI, pp.590-595*
14. Makhmudova Azizakhon Nosirovna (2019) The role of Suleymanov Rustam Khamidovich in the study of urban development of ancient period in uzbekistan Проблемы современной науки и образования 12-2 (145)
15. Strategy of tourism development in Uzbekistan KD Sabirdjahnovna - Проблемы современной науки и образования, 2019.
16. Холдаров Д. М., Шодиев Д. А., Райимбердиева Г. Г. Геохимия микроэлементов в элементарных ландшафтах пустынной зоны //Актуальные проблемы современной науки. – 2018. – №. 3. – С. 77-81.
17. Шодиев Д. А. У., Нажмитдинова Г. К. К. А. СПЕЦИФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРОИЗВОДСТВА ПРОДУКТОВ ПИТАНИЯ //Universum: технические науки. – 2021. – №. 3-2 (84). – С. 91-94.
18. Шодиев Д. А., Нажмитдинова Г. К. Пищевые добавки и их значение //Universum: технические науки. – 2021. – №. 10-3 (91). – С. 30-32.
19. Sattarova B., Shodiev D., Haqiqatkhon D. THE DETERMINATION OF THE COMPOSITION AND STRUCTURE OF FERROCENYL BENZOIC ACIDS BY MASS SPECTROMETRIC AND POTENTIOMETRIC METHODS //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 56-58.
20. Shodiev D., Haqiqatkhon D., Zulaykho A. USEFUL PROPERTIES OF THE AMARANTH PLANT //ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 55-58.
21. Олтмишева Насибахон Гуламжоновна, Мамаюнусова Матлюба Исмаиловна Особенности формирования личности // Проблемы Науки. 2020. №1 (146). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-formirovaniya-lichnosti>
22. Олтмишева Насибахон Гуламжоновна Методы повышения познавательной и творческой активности молодежи // Вопросы науки и образования. 2019. №4 (49). URL:



# Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

<https://cyberleninka.ru/article/n/metody-povysheniya-poznavatelnoy-i-tvorcheskoy-aktivnosti-molodezhi>

23. Насибахон Гуломжоновна Олтмишева ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУХИМ ОМИЛИ // Scientific progress. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yoshlar-izhtimoiy-faolligini-rivozhlantirish-zhamiyat-tara-iyotining-mu-im-omili> (дата обращения: 06.01.2022).
24. Олтмишева Насибахон Гуламжоновна, Эргашев Улугбек Адхамович Нравственное сознание и поведение молодежи в современных условиях // Проблемы Науки. 2019. №11-1 (144). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nravstvennoe-soznanie-i-povedenie-molodezhi-v-sovremennyh-usloviyah>
25. Oltmisheva N.G. Tuhtarov I.M. Turdialyeva Sh.I., Xakimov A.M., Teshabaeva L.A., Ergashev U.A., Kadirova D.S. Kant's pedagogy and contemporaneity // Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation – 2021 - 32(2) – С. 1633-1636.